

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

○ Узбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Норбек Қаймов Узбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазири этиб тайинланди.

○ 25 август кун Узбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Убайдулла Абдуразақов БМТ тараққиёт программаси минтақавий Бюроси иқтисод бўлими маслаҳатчиси вакили Холда Малик бошчилигидаги БМТ делегациясини қабул қилди. Дўстона суҳбат чоғида Узбекистон пойтахтида БМТ тараққиёт программасининг ахборот марказини ташкил этиш тўғрисидаги масала кўтарилди.

○ Узбекистон Республикаси Мустақилликка эришганидан сўнг унинг хорижий мамлакатлар билан ҳаво йўллари орқали алоқалари ҳам сифат жиҳатидан ўзгарди. Эндиликда «Узбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётлари янги очилган йўналишлар бўйлаб учмоқда. Бунга кўни кеча Тошкент билан Хитойнинг Шинжон-Уйғур мухтор райони марказини боғловчи Тошкент — Уримчи ҳаво йўли очилганиги ёрқин мисолдир. Яқин ўртада Тошкент — Лондон, Тошкент — Париж, Тошкент — Франкфурт на Майне линияларининг очирилиши режалаштирилмоқда.

○ «Узгипрожилпрокт» институти ходимлари сув таъминоти иншоотларини телемеханик усулда бошқариш ва назорат қилиш технологиясини тақлим этдилар. Телмех эитилган бу технологиядан фойдаланила тешилган қурулур уша заҳотиқ «амалади», сув таъминотида узлиқ қурилмади.

○ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қарорига биноан ташкил этилган махсус комиссия ўз фаолиятини ёдгорликларни кўздан кечиришдан бошлади. Текширув чоғида илгари ҳисобга олинмаган 28 та археологик, меъморчилик ва монументал санъат ёдгорликлари аниқланди, таъмирлаш ва асрашга муҳтожлари рўйхатга олинди. Ана шу мақсад учун республика сармосидан 7 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратилди.

ҲАМДУСТЛИКДА

○ Россия Президенти Борис Ельцин ва Грузия давлат кенгашининг раиси Эдуард Шеварднадзе яқин вақт ичида Абхазия ва унинг атрофидаги вазитини муҳомада этиш мақсадида учрашшлари керак. Телефон орқали бир неча бор ўтказилган маслаҳатлардан кейин ана шунга келишилди.

○ Хитой Халқ Республикаси мудофаа вазири, генерал-полковник Цинь Цивэй бошчилигидаги ҳарбий делегация билан 25 август кун Россия мудофаа вазири П. Гречев музокаралар ўтказди. Хитой ҳарбий делегацияси билан бўлган ушбу музокаралар чоғида икки мамлакат ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлиқни кенгайтириш, қурол-яроғлар ва техникани қисқртириш, шунингдек четга ра муаммолари муҳомада этилди.

○ Бурятия Олий Кенгаши Раёсатининг қарорига кўра тугатилган халқ депутатлари посёлка, қишлоқ кенгашларининг ўрнига ҳокимият вакилларининг янги бошқаруви — ўз-ўзини бошқариш комитетлари жорий этиладиган бўлди. Кичик ва узоқда жойлашган посёлкалар, қишлоқларда ижроия ҳокимиятни тўлалигича оқсоқоллар ўз бўйига олади.

○ Бошқирдистонда яна, бу гал нон ва нон-булка маҳсулотлари нархи уч бараварга оширилди. Эндиликда биринчи наалли бугдой ундан тайёрланган 780 граммли булганин нархи 15 сўм туради. Олий навли бугдой ундан тайёрланган шундай булганин нархи 18 сўмгача боради.

ХОРИЖДА

○ Эронга уч кунлик ташриф билан келган Гайдар Алиевнинг сафари чоғида Нахичеванга табиий газ ва нефть маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисидаги битим имзоланди.



1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МУСТАҚИЛЛИК КУНИ



Мамлакатимиз пойтахтидаги кўплаб корхоналарда республикамиз мустақиллигининг бир йиллигига атаб жуда кўплаб янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Сиз сураткаш муҳбиримиз Рустам Шарипов олган суратда «Малик» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнатқашлари томонидан байрамга атаб тайёрланган янги маҳсулотлардан намуналар кўриб турибсиз.

СУРАТЛАРДА: Бичуви Ортиқ Аҳмедов томонидан тайёрланган либослар хотин-қизларимизга ҳамisha мос келади. Бирлашма либос ва тикув цезининг ишчиси Любовь Казакова.



СУРАТЛАРДА: Бичуви Ортиқ Аҳмедов томонидан тайёрланган либослар хотин-қизларимизга ҳамisha мос келади. Бирлашма либос ва тикув цезининг ишчиси Любовь Казакова.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1992 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН НАФАҚАЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ҲАМДА БЮДЖЕТ ҲИСОБИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ Тўғрисида

Узбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги байрами муносабати билан:

1. Республика ҳудудида иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг оз миқдори ойига 1250 сўм қилиб белгилансин.
- 1992 йил 1 сентябрдан бошлаб фуқаролар иш стажининг оз-кўплигига ва хизматларига қараб меҳнат нафақаларининг табиқалаштирилган миқдорлари жорий этилиб, бунда назар Фармонда белгиланган энг оз миқдор асос қилиб олинсин.
- Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва ногиронларга энг оз миқдори 1600 сўм бўлишини мўлжаллаб нафақалар миқдори белгилансин, бунда Улуғ Ватан уруши III гуруҳ ногиронлари нафақаларининг миқдори энг оз иш ҳақи даражасигача етказилсин.
- Бюджет ҳисобидagi муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи 25 фоиз оширилсин.
- Фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 1250 сўм миқдорига белгилансин.
- Меҳнатқашлар барча тоифаларининг ўртача иш ҳақи, умуман оширилишини ҳисобга олиб, ойига 5250 сўмгача бўлган иш ҳақидан олинмайдиган даромад солигининг энг кам миқдори (12 фоиз) белгилансин.
- Олий ўқув юртлари талабаларининг стипендиялари, техникумлар ҳамда кинийм-бош ва оқват билан таъминланмайдиган хунар-техника билан юртлари ўқувчиларининг стипендиялари, бунга баравар кўпайтирилиши, бунда имтиёзли оқватланмиш учун ҳар ойлик қўшимча тўловларнинг аввалги миқдорларини бекор қилинсин. Талабаларининг ошоналари ва буфетларида тушлик оватларининг қийматидан 50 фоиз қисқартирилсин.

ишли чегирталар сақлаб қолинсин.

6. Республика вазирликлари, идоралари, уюшмалари, концернлари, корхоналари ва хўжаликлари меҳнат уюмдорлигини ва ишлаб чиқариш (ишлар ва хизматлар) ҳажмларини тегишли даражада оширишни таъминлаган тақдирда ушбу Фармонда белгиланган энг оз миқдорни ҳисобга олиб, ишловчиларнинг маошини янада оширсинлар.

7. Узбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июндаги 433-сон Фармони 4, 5, 6-бандлари ва 3-бандининг имтиёзли оқватланмиш учун ойлик қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисидаги қисми ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

8. Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси бир ҳафта мўддат ичида ушбу Фармонини рўйбга қаршига оид ташкилий чора-тадбирларни кўзда тутуви чорлар қабул қилсин.

9. Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. ҚАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 1992 йил 25 август.

Тошкент шаҳар Ҳокими ҳузуридаги Маслаҳат кенгаши мажлисидан

ҒУБОР ВА ЧАНГДАН ҚУТИЛАЙЛИК

ШУ ЙИЛ 20 августда Маслаҳат кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар Ҳокими Аҳмад Фозилбеков олиб борган ушбу кенгашда шаҳар корхоналарининг атроф-муҳитни яқинлаштириш рувиқ моддалар чиқаргани қўпланиши кўриб чиқилди. Шу масала юзасидан Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг раиси Ш. Иброҳимова ахборот берди.

Мазлумки, кейинги йилларда шаҳарда экологик танг ҳолат аҳвол ажуғда келди. Об-ҳаво ифлослангани борасида Тошкент жаҳондаги мулкато ифлосланган шаҳарлар рўйхатида тиркалди. Йирик саноат, қурилиш ва бошқа ташкилотлар томонидан ифлосланган оқова ҳамда сизот сувларининг оқизилиши туфайли Салор, Қорасув каналлари чикинди ташланадиган зовурларга айланди. Айниқса заҳарли саноат чикиндилари кўйиб йўқотиш катта ташвиш тудирмоқда. Қонунсиз, қўрсатмасиз ям-яшил дарехтларни кесиб ташлаш ҳоллари кўплаб учрмоқда. Жарима сифатида ундирилмаган тўловлар эса ҳеч нарсаини бўлмайди.

Шундан широнда табиий бойликларимиздан тежаб-тергаб фойдаланиладиган иқтисодий тизим яратиш ниҳоятда зарур. Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети томонидан турли қўриқлардаги чикиндилар учун тўлов меъёри ишлаб чиқилди, шаҳар табиатни муҳофаза қилиш жамағармаси тўзилди. «Узбекистон табиатини яқинлаштириш учун тўлов меъёри юзасидан вақтинча услубий қўрсатмалар» асосида Тошкент шаҳридаги корхоналар чикиндилар чиқаргани учун вақтинчалик тўлов меъёри ишлаб чиқилди. Улар ўз вақтида Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланган эди.

Шу асосда шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети 243 корхонанинг жарима, тўлов ҳисоб-китобини тақриб тақрибасида ишлаб чиқди. Умумий маблағ миқдори 27,579 миң сўмин ташкил этди. Ушбу маблағ, индор бўлиши керак, Тошкент шаҳар учун ҳеч нарса бўлмайди. Лекин 100 корхонанинг ўзи бу йил шу кунгача табиатни муҳофаза қилиш жамағармасига 2 миллион сўм ўтказди.

Тасдиқланган янги меъёр бўйича қонунсиз кесилган дарехт, яқсон қилинган яшил ниҳоллар учун 551 миң сўм миқдорига даъво қозғаш эзилди, лекин шу кунгача унинг 154 миң сўми ундирилди, қолган тўлов нормаларининг қўпланиши кўриб чиқилди. Шу масала юзасидан Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг раиси Ш. Иброҳимова ахборот берди.

Жарима ва бошқа тўловларни ундирётганда табиатни муҳофаза қилиш комитети кўпинча қўрсатилган маблағни қорхона, ташкилотлар ўз вақтида тўламаслик муаммасыга тўқнаш келмоқда. Албатта, ҳозирги танг иқтисодий аҳвол кўндаланг бўлиб турганини эитирот этиш ҳам керак. Лекин бу масулиятсизлик билан юрарлиги шунинг деган гап эмас. Қўпгина корхоналар эса Тошкент шаҳар Кенгаши бундай ваколатга эга эмас, деб жарима тўлашдан умуман бош тортмоқдалар. Негадир шундай қорхона бошлиқлари атроф-муҳитни яқинлаштириш учун шаҳар Кенгаши қорхонани ёпиб қўйиши мумкинлигини хавфларга келтирмайдилар. Чамаси чикиндилар, оқавалар, ғубор ва чанглар учун жарима тўловларини ундирш пул йиғиш учун эмас, қорхонга сибоб бор таъкидлаш керакка ўқшади.

Албатта, ижобий силлишилар ҳам бор. Масалан, 1991 йилда шаҳар корхоналари бўйича белгиланган сувага таълиқлиқ тадбирлардан 399 таси амалда тадбиқ этилди. Бунга 47 миллион сўм сарф этилди. Натигада шаҳар ҳавосига чиқарган заҳарли моддалар, ифлослантурувчи манбаларини 2,492 миң тоннага камайтиришга мақон яратилди. Сувени қайта ишлаш мажмуи ишга тушгач, ҳар йили 550 миң кубометр тоза сув иқтисод қилинмоқда. Лекин барибир тоза сува муаммоси ҳамisha долзарб эканлигини унутмаслик керак.

Шаҳар Ҳокимининг ушбу масала юзасидан қабул қилган қарориде шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетига табиий манбалардан фойдаланишни янада қаттиқ назорат қилиш таъсия этилди.

Маслаҳат кенгашида Тошкент аҳолисини ижтимоий химоя қилиш юзасидан шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан банд этиш ва ижтимоий химоя қилиш комитетининг иш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Бу борада шу йил аниқ юмушлар бажарилгани қайд этиб ўтилади. Шаҳар Ҳокимининг «Аҳолини иш билан банд қилиш» ҳақидаги Қонунга асосан чиқарган фармойишини бажара бориб, шаҳарда ишсизларга 22619 иш жойи ажратилди, 3890 ишчи ўрни ажуғда келтирилди. Шаҳар Ҳокимининг ушбу масала юзасидан қабул қилган қарориде район ҳокимлари, Бош бошқармалар, трестлар, ташкилотлар, муассасалар бошлиқлари аҳолининг иш билан бандлиги Қонунини омичи таъминлаш топширилди.

Шунингдек Маслаҳат кенгашида умумий оқватланмиш қорхоналари ва тижорат савдоси ишларининг аҳоли ҳам муҳомада қилинди.

Ҳозирги кунда шаҳарда 2311 кооператив, 2728 кичик қорхона, 110 қўшма қорхона рўйхатга олинган. Лекин текширишлар улар даромад солигини ўз вақтида қўрсатилган миқдорда тўламаётганини қўрсатди. Солиқ хизмати идораси 67 тижорат дўконларини текширишда уларнинг даромади 3 миллион сўм эканлиги аниқланди. Шунга яраша қўшимча солиқ ҳам ундириб олинди. Тижорат мажмуи бўйича деярли 13 миллион сўм қўшимча солиқ ундириб олинди.

Янгида Миробод районидеги 51 дўкон текширишдан ўтказилди. Йўл қўйган қонунбузарлиқ учун уларнинг 5 таси ёпиб қўйилди. Мирзо Улўбек районидеги қўпгина дўконлар тегишли руҳанот махсус бўлмаси ҳам (масалан «Ириша», «Орзу», «Барс» савдо уйи) олдиротди билан, келиштирувчилик билан шуғуланмаверган. Бу каби камчиликлар бошқа районларда ҳам учраётгани ташвишлиқдир. «Тошкентсавдо» концернин янги очилган тижорат дўконлари устидан назорат ўрнатди.

Шаҳар Ҳокими томонидан савдо ва аҳолига хизмат қўрсатиш мажмуи ходимларига шаҳарни маҳсулот билан таъминлаш, хизмат қўрсатишни яқинлаш борасида фаолият ва назоратни кучайтириш ўтириб ўтилди.

Маслаҳат кенгашининг мажлисида шаҳар ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Шаҳримиз районлари байрам тараддудиде

ҚУВОНЧ БАҒИШЛАЙМИЗ

● Чилонзор району пойтахтининг қатта районларидан бири ҳисобланади. Айниқса бу райондаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳақиқий дам олиш меконларига айланган. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиқ таъинанларини ўтказиш режа ва тадбирлари ҳақида Чилонзор район ҳокими Алишер АЛИШЕВ билан бўлган суҳбатимиз ҳам шу ҳақда борди.

— Чилонзор району ўрамин жуда катта. Бу ерда жуда кўп қорхона, ташкилот, муассаса ва ўқув юртлари фаолият қўрсатади. Байрамга қандай таъйириларнинг кўришмоқда?

— Республикани Ўзбекистон Республикасининг бир йиллиқ юбилейларининг мунисиб кўтиб олиш ва унинг кўндалангидек ишончлиқ мақсадида 29—30—31 август кунлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида катта байрам дастурлари ўтказилди. Бу байрамнинг маъмули ва хайрли ўтишида айниқса «Автоматика» ва «Автоматика» нон заводлари ва бошқа қўшма қорхоналар қатта тўхуфалар тайёрлаган. Албатта бу ишда район маданият уйлари, савдо ташкилотлари ҳам ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшадилар.

28 август кунин эса район ҳокимлиги «Чилонзор» ресторанида қабул маъносини ўтказди. Мароқимизга районимизнинг Улуғ Ватан уруши, меҳнат фахрийлари, кеска муаддиларимиз, шифокорларимиз, энгилларимиз тақлим қилинган. Бу кечанинг маъмули ўтишида «Ялла» вокал-чолгу дастаси ҳам ўз ҳиссасини қўшди, албатта. Мустақиллик кунинини ишончлиқда оид ўқув ва билим юртлари талабалари ҳам ажиб соғва тайёр-

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ ИЖРОИЯ МАҲКАМАСИДА

Академик Ҳабиб Абдуллаевнинг хотирасини абадийлаштириш ҳақида

Академик Ҳабиб Абдуллаевнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 20 июлдаги «Академик Ҳ. Абдуллаевнинг 80 йиллиги ҳақидаги қарор» ижроси юзасидан Тошкент шаҳар Ҳокимининг қарори билан Тошкент шаҳридаги М. Горький проспектининг М. Горький майдонидан Феруза мавзеси-гача бўлган қисмига Ҳабиб Абдуллаев номи берилди.

Тошкент метрополитенининг қурилатган «Шаҳристон» бекати номи ўзгартирилиб, уни академик Ҳабиб Абдуллаев номи билан аташ тўғрисидаги Тошкент метрополитени, «Тошметроқурилиш» қурилиш бошқармаси, «Тошметролойдиха» институти жамоалари тақлифлари, шунингдек Юнусов район ҳокимлиги илтимосини кўриб чиқиб, Тошкент шаҳар Ҳокими қурилатган «Шаҳристон» метрополитени бекати номини ўзгартириб, уни академик Ҳабиб Абдуллаев номи билан аташ тўғрисидаги ушбу жамоалар тақлифлари ва Юнусов район ҳокимлигининг илтимосини қондин тўғрисида қарор қабул қилди.

Тошкент метрополитени, «Тошметролойдиха» институти, «Тошметроқурилиш» бу масалага алоқадор ташкилотлар билан биргаликда бекатнинг меъморий-бадиий, монументал ҳайкалтарошлик безаклари билан безаш масалаларини, шунингдек унинг яқинлаштиришда Ўзбекистон Республикасида қандимки вақтлардан бошлаб то ҳозирги кунгача назарда тутиб, тегишли чораларни кўриб чиқиб, қай қилинсинлар.

Юнусов тумани ҳокимлиги ва Тошкент метрополитени раҳбарлигига алоқадор ташкилотлар билан Юнусов йўналишидаги метрополитен қурилиш суръатини жадаллаштириш мақсадида ушбу қурилиш бекати қурилиши билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни шонлиқ кўриб чиқиш ва ҳал этиш топширилди.

Ҳусниддин Асомов хотирасини абадийлаштириш тўғрисида

Ҳусниддин Асомовнинг уй-ой-фуқаро иншоотлари қурилиши ва Тошкент шаҳрини қайта қуришга, қурилиш фаии ва меъморчиликнинг ривожланишига катта шахсий ҳисса қўшганлигини, иқтисодий ҳаётдаги фаолиятини ҳамда шаҳар Кенгаши депутатлари ва меҳнат жамоаларининг илтимосларини ҳисобга олган ҳолда Тошкент шаҳар Ҳокими Собир Раҳимов раёнидаги София кўчасини Ҳусниддин Асомов кўчаси, деб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Тошкент минтақавий илмий-таъшириш ва типовой ҳамда экспериментал лойиҳалаштириш лойиҳалаш институтига Ҳусниддин Асомовнинг номи берилди, институт бисносиде Ҳусниддин Асомовнинг хотира тахтаси ўрнатилга қарор қилинди.

Тошкент шаҳар Ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси маҳаллий идораларини қайта ташкил этиш ҳақидаги қонунга асосан Тошкент шаҳар Ҳокимининг 1992 йил 24 августдаги фармойиши билан Ўртоқ Юрий Асерович АСПЕКОВ Тошкент шаҳар Ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

ХРОНИКА

Тошкент шаҳар Ҳокимининг 1992 йил 25 августдаги фармойишига мувофиқ Ўртоқ А. С. Разақов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Тошкент шаҳар Ҳокимининг ўринбосари — савдо ва аҳолига хизмат қўрсатиш мажмуаси раҳбари лавозимидан озод қилинди.

— Бир сик кабобнинг нархи неча сўм?
— Ҳа сўм.
— Қимматми, арзонми?
— Қиммат, — дейишади хўрандалар.
— Арзон, — дейишади кабобпазлар.
Бунининг тушувса бўлади. Ҳар ким ўз дарининг айтиб йиғлаши табиий. Лекин гапнинг индаллоҳини айтганда? Албатта, қиммат. Чунки бир ўтиришда 30—40 сўм харажат қилиб (бунга ноқин баҳоси кирмайди) кабоб ейишни ҳар кимнинг ҳам ҳаёти кўтарармайдди. Яна бу ўртача баҳо. Шундай жойлар ҳам борки, у ердаги нархи кўриб билсангиз лабиниғизга учуқ чиқади. Қарда дейсизми? Шпиритга ҳожат йўқ. Очиқ айтганимиз, сизнинг эса билб қўйганингиз яхши. Борди-ю вақт тақдоси билан бу ерларда бўлиб қолсангиз ҳар қалай ҳамёнингизга қараб иш тутасиз. Акс ҳолда таомхонага кириб кўпчилик олдида мулзам бўлишингиз ҳеч гап эмас.

Эҳиб ҳам тополмайдиган пиво бу ерда тиқилб ётибди. Фақат нархи ўртача бас, хоҳлаганича инчасиз ундан. Таваб, гўё Чимкент пиво заводининг филиали Чига-тойга жойлашгандек. Кабобнинг нархи эса ҳар хондонда ҳар хил. Кабобпазларнинг айтишича, гўш сифатига қараб қўйилган эмиш бу баҳо. Бизнингча эса хўрандаларнинг кўпроқ ўзига жалб этиш учун тушиб-чиқадигандек кўринади бу баҳо. Баъзи кабобпазлар ўзларини ўта ҳотамтой тутшади. Тановул қилган кабобнинг нархи қанчалик сўрасангиз «Берганингизни бериб кетаверинг», дейишади. Сиз ҳам нархига ҳотамтойлик қилсангиз

Шунинг учун ҳам сифати, ҳам арзон», деб қолди.
Таажжубда қолганимизни кўриб тушунтирдик:
— Бир килограмм гўшт бизга давлат ҳисобига 196 сўмга, бозор нархида эса 140 сўмга тушади.
— Аслида бунинг акси бўлиши керак-ку?
— Бунининг билмадим. Балки бозор иқтисодиёти туфайли шундайди. Лекин олдинлари сизлар айтгандек эди.
Бунис қандай бўлди? Эшитганимизга ишонингиз келмайди. Наҳот, давлатнинг гўшти бозоринкидан қиммат бўлса? Бошқа ошхонага

Мирҳалил Комилов бошчилиги қилади. Бу ерда тайёрланадиган таомлар нархи бошқаларга таққослаганда анча арзон, ҳам сифатли. Масалан 60 граммлик бир сик кабобнинг нархи — 8 сўм.
— Асосан завод жамоасига хизмат кўрсатамиз, — дейди кабобпаз Абдурахим Абдуқодиров.
— Таомларнинг арзонлигига келсак гўштин биз бозордан сотиб олмаемиз. «Ингибозор»да корхонанинг томорқа хўжалиги бўлиб, у ерда қорамол ва қўйлар боқилади. Ана шу хўжалик бизни мухтазам гўшт билан таъминлаб туради.
Бу ерда бизни ранжитган нарса ошхона эшиги ёнида уюлиб турган ахлатхона бўлди. Кабоб пиширилаётган жой билан ахлатхона ўртаси нари борса 5 метрлик масофа.
— Уч-тўрт қундан бери ахлат ташийдиган машина келмайпти. Шунинг учун чиқиндилар анча тўпланиб қолди, — дея ўзларини оқлашади ошхона хизматчилари.

ТИЖОРAT ЖАБАРАЛРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ш А Р Қ»

НАШРИЕТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

қурилиш ва бошқа ташкилотларга
БОСМА ГУЛҚОЗОЗЛАРНИ
шартномавий нархларда сотади

Гулқоқозларнинг аслиятига қараб танлаш ва уни концерн қозонидан тайёрлаб бериш имконияти мавжуд.
Концерн ўров ёрлиқлари ва босма иш қозоқларини тайёрлаб бера олади. Тайёрлаш муддатини истезмолчи белгилайди, бюртмалар биржа баҳосидаги концерн қозонидан ажариб берилади.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50.

Алоқа бўлимлари ва обуна қабул қилиш пунктларида 1993 йилга обунани расмийлаштириш давом этмоқда. Обуна ҳужжатларини тез ўтказиш мақсадида турар жойингизда сизларга хизмат кўрсатадиган алоқа бўлимида обуна бўлишини маслаҳат берамиз.
1993 йилга обуна шартлари билан сиз алоқа бўлимларида ва обуна қабул қилиш пунктларида таннишиб чиқишингиз мумкин.
Обуна қабул қилиш пунктларида сиз «Отовёк» ойномасининг адабий-бадий иловасига қайтадан обуна бўлишингиз мумкин:
Конав-Дойль, 12 та жилд — 900 сўм.
Ф. Фицджеральд, 5 та жилд — 375 сўм.
Ф. Ходасевич, 3 та жилд — 225 сўм.
Сатира ва юмор кутубхонаси, 4 та жилд — 300 сўм.
1991 йил ушбу нашрларга қабул қилинган обуна бекор қилинади. Пуллар обуначиларга нашриётдан келгандан сўнг қайтарилади. Обуна масалаларига оид барча саволлар билан 067 телефони орқали қўнғироқ қилишингизни сўраймиз.
«ТОШКЕНТ ПОЧТАСИ» ДАВЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

* Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

СИХ ҲАМ, КАБОБ ҲАМ КУЙГАНДА



«Келиб туринг», дея пулнигини кўлуқ қилиб олишади. Агар берганингиз қўлқалданган ҳам бўлса «Яна бунча қўшасиз акам», дея қўзларини лўқ қилишади сизга.

Шу ўринда бир мисол келтирсак уларнинг қанчалик ҳотамтойлик сизга аққол аён бўлади. Ушбу даргоҳга инглишиб кириб қолган кўзи ожиз эр ва аёл икки сикдан жигар кабоб ейишибди. Уларнинг чўнтақларида ҳаммаси бўлиб 40 сўм (агар адасимаса шу пул билан киришмасди бу ерга) бор экан. Уни кабобпазнинг қўлига тутташибди.

— Бу кам, яна 20 сўм қўшасиз опа.

— Кечирасиз, кўзимиз ожиз, пулниғиз камлигини билмабмиз, — дейди у зорланиб.

— Ногирон бўлсангиз шифохонага бормай кабобхонада нима қилиб, юрбисиз. Сотувчи ўқичириб айтган бу гапига чидай олмаган ўрта эшли бир киши унинг олдига келди.

— Пул топилади, ammo одам топилаётди, ука. Ҳозир улардан кечирим сўраган. Қанча керак бўлса мана мен бераман, сизга пулни.

Бу гап кабобпазни ранжитиш ўрнига гўё унга жон бағишлади. Кечирим сўраган бўлди. Юқоридаги ҳотамтойликнинг баҳосини ана энди тушунгандирсиз.

Чилонзор, Ҳамза районларининг кўпчилиги ошхоналаридан сотилаётган 10 сўмлик кабобларни кўравериб кўзимиз ўрғаниб қолган экан шекилли. Тахтапудлага «Оталар чойхонаси» олдиндан ўта туриб кўча юзюда сотилаётган 8 сўмлик кабобни кўрганда худди арзончилик маконига кириб қолгандек ҳис этдим ўзимизни. Бунинг сабабини ошпаз бригадир Турсунбой Нўлдошевдан сўрасак «Биз гўштин бозордан оламиз,

наларда бўлганимиздан кейин бу гапнинг чиндан ҳам ҳақ эканлигига ишондик.

Ошхонада тайёрланадиган умумий таомлар нархлари билан қиёндик. 35 граммлик кабоб (8 сўм эмас) 7 сўм 87 тийин тураркан. Лағмон — 12 сўм 14 тийин. Булғор қалампирдан тайёрланган таом — 8 сўм 82 тийин, чўчура — 10 сўм 92 тийин. Қайнатма шўрва — 10 сўм 28 тийин. Оби но — 2 сўм 70 тийин. Таом нархларига, сифатига эътироз билдирмасакда, ўз-ўзидан ҳозир тангалар аёнқонинг уруғи бўлиб кетган

бир даврда баҳодаги устамта тийинлар нимага керак, деган фикр ўти хаёлимиздан. Хўрандини қийнамай (нархларини бир-бирига чоғиштириб бўлса ҳам) тўғри сўмлаштириб, қўя қолмас бўлмайдики? Вўлади. Лекин назаримизда ошхона хизматчилари мана шу тийинлар чўнтакка сўм бўлиб қайтишини эътибордан қочирмаган кўринишади.

Шу районга қарашли София кўчасига жойлашган «Бехоз» ошхонасини олайлик. Замонавий услубда қурилган бу таомхона ишга тушган кезлари ҳаммаси хўрандалар билан тағамку бўлди. Таомлар сифати яхши, нархлари ҳам ўртача эди. Энг муҳими хўрандалар учун барча шароитлар яратилганди. Ҳозир эса бу жойда шинавандалар камайиб қолган. Яқдам-дуқкам қўйилган стол-стуларда одамлар сирак ўтиришибди. Таом нархлари баланд бўлгандан кейин шундай бўлишни ҳам табиийда. Фикримизнинг исботи учун таомлар баҳоси ёзилган рўйхатини келтирайлик. 50 граммлик кабоб — 10 сўм, сомса — 5 сўм, лағмон — 19 сўм, ош — 20 сўм.

Агрегат заводи ёнидаги 11-«А»

Кабобпаз қолган-қутган, куйган кабобларни ўзича саралаётгани учун унинг баҳосини сўраб ўтиришни эп кўрмадик.

Шу районнинг Аҳмад Донийш кўчасидаги «Оталар чойхонаси»га кирганимизда соат 14 дан сал ошган эди. Утиригиларда хўрандалар сирақлашиб қолган.

Ошхона мудир Абдуманноб Халидовдан кабобнинг баҳосини сўраймиз.

— Бизда арзон. Бир сик кабоб 8 сўм 24 тийин туради, — дейди у.

«Арзон». Лекин унинг сифати-чи? Биз юқорида 35 грамм ва 50 граммлик қўй гўштиндан тайёрланган кабобларнинг 8, 10 сўмдан сотилаётганини ҳақиқатдан сўз юритдик. Бу ерда эса бир сик кабобнинг оғирлиги 30 граммни ташкил этаркан. Бу рақамларни таққослаган ҳар қандай киши ўзига керакли хулосани чиқариб олади, албатта.

Биз мазкур мақолада шаҳардаги баъзи таомхоналарда тайёрланаётган кабоб нархларининг турличалиги ҳақида фикр юритишга ҳаракат қилдик. Бунга бизни кўп сонли ошомхоилар номидан таҳририятимизга келаятган хат-хабарлар ундади. Мақсадимиз сик ҳам, кабоб ҳам куймас, иложи борича инсофини ўртага қўйиб иш тутилиш, ҳозирги бозор иқтисодиёти қийинчилигининг бошидан кечираётган олдий фуқаро — хўрандаларга жабр бўлмаса деймиз. Лекин текширув пайтида, афсуски, сик ҳам, кабоб ҳам куйётган ҳолларга дуч келидик. Мана шуниси кишини ранжитади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

СУРАТДА: Юнусобод районига қарашли 5-ошхона филиалидаги нон қолдиқлари.

Холмат Мирзакаримов сурати.

* Машҳур кишилар ҳаётидан ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

бўлганини эшитиб, бош чайқаб дебди:

— Эҳ, афсус, ундан ажойиб тоноръ чиқар эди-да!

МАШХУР француз математиги Ампер кўчада қандайдир ҳисобини чиқаришни ўйлаб борарди. Тусатдан у аудиториядаги ўхшаш қора доскани кўриб қолди.

Суянганича доска томон чопди ва чўнтагидаги бурдан бир бўлагини олиб, унга аллақандай формулани ёза бошлади. Бироқ доска бир-дан жойидан қўзғалди. Ампер ҳам ишин давом эттириш учун, беихтиёр досканинг кетидан юриб бораверди. Досканинг ҳаракати тезлашар, Ампер эса унинг кетидан чопар эди.

Пулловчиларнинг қаттиқ кулибига олмиши ўзига келтирди. Шундан кейин у формулалар ёзаётган доска иншошнинг орқа томони эканлигини билиб қолди.

Тушловчи Акбар АЛИЕВ.

Муҳаррир

Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
кабулхона — 32-53-76,
хатлар — 33-29-70,
32-53-79;
эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалаларини бўйича — 33-81-42, 32-55-34, 32-56-67.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ
ҚИЛИШ ДАСТУРИ



«АСТРОВАЗ — ФУҚАРОЛАРНИ

«Астроваз» меҳнат қилиш истагида бўлган ва ўз қобилиятини суғурта агентти ҳамда брокер сифатида синаб кўришни хоҳловчи барча кишиларга иш жойлари таклиф қилади.

Биз шунингдек, доимий ишдан ташқари қўшимча даромад топишни ихтиёр этган шахсларга юқори маош тузланадиган ишларни тақдим этамиз. Ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни ўзининг бурчи деб билган барча корхоналар учун ишсизлик ва тибийотдан суғурта қилдирини иммониятлари ҳам мавжуд.

«Астроваз» Россия суғурта ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади, ўз миқозларининг намунали шифохоналарда юқори маълумоти тибий ердан олишлари, шунингдек бошқа суғурта хизматлари, жумладан Москва шаҳрида қилинган суғурта ўрини тўлдирини ҳам ўз зиммасига олади.

1992 йил 1 июлдан «Астроваз» ҳаёти ва саломатлигини суғурта қилдирган шахслар ва корхоналарга тўла бериладиган омонатларининг йиллик фойдасини 25 фоизгача етказишга муваффақ бўлди.

Ўзингизни қизиқтирган бошқа маълумотларни 32-03-69, 32-04-69, 55-32-18, 78-48-16, 56-73-79, 68-53-30 телефонлари орқали олишингиз мумкин.

ЦИРК

Тошкент давлат циркида
27, 28 август соат 18.00 да

Ўзбекистон ва Қозғистон республикаларининг артистлари иштирокида

«ДУСТЛИК АРЕНАСИ»

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунига бағишланган катта раиғ-баранг цирк дастури.

Тошкент шаҳар Ҳокимияти вакилининг мақомадини Мадааният ишлари бош бошқармаси Ҳамза тумани маданият ишлари бўлимининг мудир Н. Қ. Гайнулинага олдирди.

Насиба САРГУБАЕВАННИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

* Ҳукм ўқилди ТАЛОНЧИЛИК ОҚИБАТИ

ВОЯГА етмаган ўсмирлар орасида қонунбузарликлар аж олмоқда. Ҳўш, нега шундай бўляпти!

Маълум бўлишича, ўғил ва қиз болалар мактабни битирганларидан сўнг вақтлари кўпича бўш ўтмоқда.

Илгари икки марта судланган Комил Абдувова воёга етмаган икки ўсмир Жаҳонгир Аширов ва Абдуазим Ҳасановни ёнига қорлаб, фойдали меҳнат билан шугулланаётган А. Пакан ўйига кириб (жабрдандининг ўғли ва унинг ўртоғини қатлаб) талончилик қилишди. Жами 1680 сўмлик мол-мулкни ўғирлашганда хўшёр милиция томонидан ушланди. Тошкент шаҳар Ҳамза район халқ суди учаловини Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мақомадаси 126-моддаси II қисми билан айбли деб топиб, муқаддам икки марта та судланган К. Авезовни 5 йилга 6 ойга озодликдан маҳрум этиб, воёга етмаган Жаҳонгир Аширов ва Абдуазим Ҳасановни аввал судланмаганлиги ва бошқа айбни енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, суд уларнинг иккисини жамиятдан афғатмаган ҳолда жазолади.

Шерзод УСМОНОВ,


Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институт талабаси.

НЕМИС физиги Конрад Рентгенга хат келибди. Унда аллақандай нотаниш бир киши олимдан рентген нури ва бу нурларни қўллаш бўйича тушунтириш хати ёзиб юборганини итмоси қилибди, ўзининг келишга вақти йўқлигини айтибди.

Рентген унга қуйидаги жавоб хатини юборибди: «Афсуски, айни вақтда бундай нури йўқ. Бўлган тақдирда ҳам уни юбориш мумкин бўлмас эди. Вирдан-бир чора шуки, сиз менга гавдангизнинг рентген билан еритиб кўриладиган қисминини юбора қолинг.

МАШХУР физик Генрих Герц ешигида токарликка қаттиқ ихлос қўйган экан. Бир неча ўн йиллар ўтгач, унга токарликни ўргатган уста Герцнинг профессор

Тошкент оқшоми



МУАССИСЛАР:
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва яшанбадан ташқари ҳар кунни ўзбек тилида чиқади.